

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ТАШРИФ БУЮРГАН БИР ГУРУҲ САЙЁҲЛАР БОЙСУН ТУМАНИ ХАЛҚИНИНГ УРФ ОДАТЛАРИ, АНЪАНАЛАРИ ҲАМДА ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон ўзининг кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлари, турфа хил иқлими ва тез суръатларда ривожланиши билан бутун дунё диққатини ўзига тортмоқда.



Асрлар мобайнида Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг савдо, савдогар ва саёҳатчилар, жўғрофияшунослар ва миссионерлар, истиълочилар ва забот этувчиларнинг йўлида жойлашган эди. Айтиш пайтда эса, Ўзбекистон ташаббускор, маданият, тарих, анъана ва экзотик мамлакатларга қизиқувчилар

учун мафтункор сайёҳлик йўналишларидан бирига айланмоқда.



Жорий йилнинг 12-май куни Бойсун тумани маданият бўлимига Қорақалпоғистон республикасида бир гуруҳ сайёҳлар ташриф буюришди.



Ушбу ташрифдан асосий мақсад туманимизнинг чуқур тарихи, анъаналари, урф-одатларини ўзига мужассамлаштирган бир қанча мусиқали дастурлар орқали катта сахналарни забт этиб келаётган фольклор санъатимиз билан яқиндан танишиб, бу санъатдан баҳра олишдан иборат бўлди.



Қорақалпоғистон республикасидан ташриф буюрган сайёҳ меҳмонларимизни маданият бўлими қошидаги **“Бунёд”** гуруҳи созандалари карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди.



Ушбу туризм тадбири давомида маданият бўлими тасарруфидаги **“Бойсун”** фольклор этнографик халқ ансамбли анъаналаримизни, урф-одатларимизни, миллий куй, қўшиқларимизни ва рақсларимизни ўз ичига олган мусиқали дастурларини намоиш этишди.



Ташриф буюрган меҳмонлар ҳам йиғилганларга ўзларининг санъатлари ва урф-одатлари ҳақида ўртоқлашиб фикр алмашишди.

Тадбир юқори бадий савияда ва кўтаринки руҳда ўтказилди.